




**5–6-MAY
2023**

**TOSHKENT,
O‘ZBEKISTON**



**“GEOGRAFIK TADQIQOTLAR: INNOVATSION G‘OYALAR
VA RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI”**

III XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA



IMV
IQTISODIYOT VA MOLLIYA VAKILLIGI



IMRS
Institute for Macroeconomic
and Regional Studies

CHDPU
CHIRCHIQ DAVLAT
FARG‘ONA UNIVERSITETI

ДЕЛЬТА ГЕОТИЗИМЛАРИНИНГ ДАРАХТСИМОН ЛАНДШАФТ КОМПЛЕКСЛАРИ

Иброимов Шерзод Иброим ўғли

таянч докторант

Чирчиқ давлат педагогика университети

Аннотация: Амударё ҳозирги дельтасидаги кичик дельталар дарахтсимон структураларининг илк бор дарахтсимон ландшафт комплекслари деб қаралиши илмий асослаб берилди. Ҳар бир дарахтсимон ландшафт комплексларида элементар ландшафт гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар бир-биридан геокимёвий хусусиятлари бўйича фарқ қилиши кўрсатилади. Дарахтсимон ландшафт комплексларини геотизим деб тадқиқот қилишининг ҳам илмий, ҳам амалий томонлари ёритилади. Шу билан бир қаторда, дарахтсимон ландшафт комплексларининг мелиорацияда ва сугорма деҳқончиликда асосий объект эканлиги амалий асосланади.

Калим сўзлар: кичик дельталарнинг структураси, геотизим, рельеф пластикаси усули, элементар ландшафт, мелиорация, сугорма деҳқончилик, парагенетик ландшафт комплекслари.

TREE LANDSCAPE COMPLEXES OF DELTA GEOSYSTEMS

Ibroimov Sherzod

Abstract: For the first time, the tree-like structures of small deltas of the modern Amudarya delta received scientific justification as tree-like landscape complexes. It is shown that each tree-landscape complex contains elementary landscape groups that differ from each other in geochemical properties. Both scientific and practical aspects of the study of tree-landscape complexes as a geosystem are covered. In addition, it is practically substantiated that tree-landscape complexes are the main object of melioration and irrigated agriculture.

Key words: structure of small deltas, geosystem, relief plasticity method, natural landscape, land reclamation, irrigated agriculture, paragenetic landscape complexes.

Табиий география фанида учта ёндошув бор: типологик, функционал ва генетик (Исаченко, 1965). Ф.Н.Мильков (1966) ана шулардан бири бўлган функционал ёндашувга асосланиб, 1966 йили фанда “парагенетик ландшафт комплекслари” тушунчасини илк бор кўллади. Ф.Н.Мильков парагенетик ландшафт комплексларига дарё, сой ҳамда жарларнинг ҳавзаларини киритади. Бошқача айтганда, функционал хусусиятга эга бўлган парагенетик ландшафт комплекслардаги жой, урочише ва фациялар бир-бири билан тизим ҳосил қилувчи ер усти сув оқимлари орқали доимо алоқадорликда бўлади. Суғориладиган ҳудудлардаги коллектор ҳавзалари ҳам яққол парагенетик ландшафт комплексларига мисол бўла олади.

Табиий география фанида мавжуд бўлган генетик ёндашувга асосланиб, биз ўзимизнинг тадқиқотларимизда (1988, 2002) илк бор Амударё ҳозирги дельтасида ҳар хил ёшга эга бўлган кичик дельталарни ажратдик. Агар биз ажратилган кичик дельталарни ҳар томонлама ўрганадиган бўлсак, ана шу кичик дельталарнинг шохланувчи шаклларини алоҳида дарахтсимон ландшафт комплекслари деб аташимиз генетик ёндашувнинг принципларига мос келади, яъни ҳар бир дарахтсимон ландшафт комплекси ўзининг келиб чиқиш тарихи

жиҳатидан яхлит тизимни ҳосил қилади. Бошқача айтганда, Ф.Н. Мильков парагенетик комплексларини ажратганда, уларнинг функционал яхлитлигини асос қилиб олган бўлса, биз дарахтсимон ландшафт комплексларини ажратишда кичик дельталар генетик тарихининг яхлитлигини асос қилиб олдик. Функционал ёндашувда тизим ҳосил қилувчи оқимлар сувайирғичлардан марказ томон ҳаракат қилса, дарахтсимон ландшафт комплексларида эса тизим ҳосил қилувчи оқимлар Б.Б. Полинов (1956) ажратган элементар ландшафт гуруҳларининг ҳаммасини қамраб олади, яъни тизим ҳосил қилувчи оқимларнинг йуналиши эллиовиаль элементар ландшафтдан аквал элементар ландшафтга қараб тизимли ўзгаради.

Амударё ҳозирги дельтасида саккизта кичик дельталар ажратилган бўлса, уларнинг ҳар бири ўзига хос дарахтсимон ландшафт комплексларини ҳосил қилади. Ҳар бир кичик дельталар В.М. Боровский, М.А. Погребинский (1958) ларнинг маълумотига кўра ўзига хос “лито - морфо – педогенез” комплекси ҳисобланади, яъни ана шу кичик дельталарнинг ҳосил бўлишида бир вақтнинг ўзида ўзига хос рельеф, литологик таркиб ва тупроқлари ҳосил бўлган. Кичик дельталарнинг дарахтсимон ландшафт комплексларини биз уларнинг атрибутидир, яъни ажрдир деб атаёмиз.

Агар биз Амударё ҳозирги дельтасидаги ҳар бир дарахтсимон ландшафт комплексларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг баъзиларида, яъни Қизкеткен-Чимбой, Шўртамбой, Эркиндарё, Ульдарё Киятжарган ва Раушан кичик дельталарида суғориш натижасида ўзига хос табиий-мелиоратив жараёнлар рўй берган. Ана шуларни ҳисобга олиб, дарахтсимон ландшафт комплексларидаги табиий-мелиоратив икки даврга ажратиш мумкин:

- биринчи даврда дарахтсимон ландшафт комплексларининг табиий- мелиоратив шароити тўғридан-тўғри кичик дельталарнинг келиб чиқиш тарихи билан боғлиқ;
- иккинчи даврда дарахтсимон ландшафт комплекслар берадиган табиий-мелиоратив жараёнлар асосан суғориш тизими билан боғланган.

Амударё ҳозирги дельтасининг суғорилмайдиган ҳудудларида Кўхнадарё-Қозоқдарё, Оқбоши ва Қипчоқдарё кичик дельталарининг дарахтсимон ландшафт комплекслари жойлашган бўлиб, уларнинг табиий-мелиоратив шароити уларнинг келиб чиқиш тарихи ва ҳозирги вақтда рўй бераётган чўлланиш жараёни билан боғлиқдир. Баъзи кичик дельталар, масалан Қизкеткен-Чимбой кичик дельтасининг табиий-мелиоратив шароити суғориш натижасида тубдан ўзгарди. Шу билан бир қаторда Қизкеткен-Чимбой кичик дельталарининг дарахтсимон ландшафт комплекси учта коллектор ҳавзасида жойлашган, яъни коллектор ташлама -1, коллектор ташлама-3, ва коллектор ташлама-4. Бизнинг олиб борган тадқиқодларимиз шуни кўрсатадики, коллектор ташлама-1 жойлашган Қизкеткен-Чимбой дарахтсимон ландшафт комплексининг табиий-мелиоратив шароити коллектор ташлама-3 ва коллектор ташлама -4 ҳавзаларида жойлашган Қизкеткен-Чимбой дарахтсимон комплексига нисбатан ижобий табиий-мелиоратив шароитга эга, яъни КТ-3 ва КТ-4 ҳавзаларида пастликлар кўп бўлганлиги ҳамда оқимларнинг сўнгги салбий ҳудудлари учун табиий-мелиоратив шароит хусусиятларга эга.

Ҳар бир кичик дельталарни алоҳида дарахтсимон ландшафт комплекслари деб тадқиқот қилишнинг ҳам илмий, ҳам амалий аҳамияти бор. Мана шу кичик дельталарни дарахтсимон ландшафт комплекслари деб тадқиқот қилишнинг илмий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир кичик дельталарнинг дарахтсимон ландшафт комплекслари ўзларининг келиб чиқиш тарихига эга бўлиб, ўзларининг ички тузилиши жиҳатидан иккинчи дарахтсимон ландшафт комплексидан тубдан фарқ қилади;

2. Ҳар бир дарахтсимон ландшафт комплексининг табиий-мелиоратив шароити кичик дельталарнинг структураси билан боғланган бўлиб, кичик дельталарнинг юқори қисмидан куйи қисми томон тизимли ўзгариб боради;

3. Кичик дельталарнинг “шоҳланувчи” структураси дарахтсимон ландшафт комплексларининг тупроқ қоплами структурасини, грунт сувини, тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини ўрганиш учун асос бўлиб ҳисобланади;

4. Кичик дельталарнинг дарахтсимон ландшафт комплекслари дельтада рўй берган “лито-морфо-педогенез” жараёнининг яхлитлиги билан чамбарчас боғлиқ, яъни дарахтсимон ландшафт комплекслари фақат дельта ҳудудлари ва конус ёйилмалари учун хос бўлган геотизимдир.

Ҳар бир кичик дельталарни алоҳида дарахтсимон ландшафт комплекслари сифатида тадқиқот қилишнинг амалий аҳамияти қўйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир кичик дельталардаги дарахтсимон ландшафт комплекслари аниқ кўрсатилганлиги учун бу дарахтсимон структура ана шу ҳудудлардаги ирригация тизимларини ўтказиш учун асос бўлиши керак;

2. Кичик дельталар ораликларида мавжуд бўлган ўзанлараро пастликлар аниқ кўрсатилганлиги сабабли, бу ҳудудлардан фақат мелиорация тизимлари ўтказилиши керак ва лозим;

3. Ҳар бир кичик дельталар ўзига хос дарахтсимон ландшафт комплексларини ҳосил қилганлиги учун бу кичик дельталарнинг дарахтсимон структураси ана шу ҳудуднинг тупроқ қоплами структураси, ландшафт, грунт сувларининг карталарини тузиш учун асос бўлиши керак;

4. Баъзи кичик дельталарнинг ораликларида ва уларнинг туташган ҳудудларида пастликлар катта майдонни эгаллаганлиги учун бу ҳудудларда сунъий сув ҳавзаларини ҳосил қилиш орқали балиқчиликни ривожлантириш мумкин;

5. Шу билан бир қаторда кичик дельталарнинг дарахтсимон ландшафт комплекслари табиий ҳужалик тизими деб қараш ҳам мақсадга мувофиқдир. Ана шу дарахтсимон ландшафт комплексларида жойлашган ҳўжаликлар албатта кичик дельтанинг табиий-мелиоратив шароити билан мос келиши керак.

Дарахтсимон ландшафт комплекслари табиатда худди парагенетик ландшафт компонентлари каби мавжуд бўлган объектив яхлит геотизимдир. Шунинг учун ҳам уларни тадқиқ қилиш айниқса ландшафтшуносликнинг асосий вазифаларидан бири бўлиши керак. Мелиорацияни ва суғорма деҳқончиликни ҳар томонлама илмий нуқтаи назардан тўғри олиб бориш учун Б.Б. Полинов ажратган элементар ландшафт гуруҳларининг асос бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу ажратилган элементар ландшафт гуруҳлари ҳар бир дарахтсимон ландшафт комплексларида мавжуд бўлиб, олиб бориладиган мелиорация ва суғорма деҳқончилик ишлари албатта улар билан боғланган бўлади. Шунинг учун ҳам дельталарда мавжуд бўлган дарахтсимон ландшафт комплекслари ўрганиш ҳам илмий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлиб, уларни тадқиқ қилиш яқин давр ичида вужуга келадиган мелиоратив ландшафтшуносликнинг асосий мақсадларидан бири бўлиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Боровский В.М., Погребинский М.А. древняя дельта Сырдары и Северные Кызылкума-Алма-Ата: Изд-во АН КазССР, 1958, -т.т. -516с

2. Исаченко А.Г. Основа ландшафтоведения и физико-географическое районирование. М.:Высш. Школа, 1965. -328с.
3. Мильков Ф.Н. Парагенетические ландшафтные комплексы// Научные записки Воронежского отдела ГО СССР-Воронеж: Изд-во Воронежского университета,1966. - 751с.
4. Польшов Б.Б. Учение О ландшафтах. Избранные труда.-М.: Изд-во АН СССР, 1956. -751с.
5. Уразбаев А.К. Природно-мелиоративная оценка земель низовьев Амударьи: Автореферат диссерт. на соиск. уч. Степени канд. геогр. наук,-Ташкент: 1988.-25с.
6. Уразбаев А.К. Системная организация природно-мелиоративных условий современной дельты Амударьи: Автореферат диссерт. На соиск уч степени доктора геогр наук,- Ташкент: 2002.-48с.
7. Уразбаев А.К., Иброимов Ш.И. Закономерности дифференциации парагенетических ландшафтных комплексов бассейнов коллектора // ДАН РУз. 2022. №2. С. 82-85.

7. **Рафиков Вахоб Асомович, Рафикова Нодирахон Аъзамовна**
ОЦЕНКА РАЗВИТИЯ ОПУСТЫНИВАНИЯ В ЭКОСИСТЕМАХ БАССЕЙНА
АРАЛЬСКОГО МОРЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНОГО ПОТЕПЛЕНИЯ 55
8. **Аҳмаджонов Аброржон Икромжон ўғли**
ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ҲУДУДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ГЕОГРАФИК АСОСЛАРИ 59
9. **Abdullayev Suyun Ismatovich, Qazoqova Orasta Xayrullo qizi**
AGROLANDSHAFTLARNING TARKIB TOPISHI VA XUSUSIYATLARI 61
10. **Olimova Dilso‘z Abduxalimovna, Nasrulloeva Sabrina Nasrullo qizi**
OROLBO‘YIDA TUPROQ DEGRADATSIYASIGA QARSHI KURASHNING
NAZARIY ASOSLARI VA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARI 64
11. **Абдуназаров Уктам Кобилжанович**
КОЛЕБАНИЕ КЛИМАТИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ ПЛЕЙСТОЦЕНА СРЕДНЕЙ
АЗИИ 68
12. **Avezova Aziza Maqsud qizi, Ibragimova Rana Alimbayevna**
BIOXILMA-XILLIKNI SAQLASHDA MUHOFAZA ETILADIGAN
HUDUDLARNING AHAMIYATI 72
13. **Sag‘dullayev Quvonchbek Akmal o‘g‘li Komilova Nilufar Qarshiboyevna**
XATIRCHI TUMANIDA EKOTURIZMNI RIVOJLANTIRISHNING
MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI 75
14. **Lolayev Abror, Omonov Kamoliddin**
QUMQURG‘ON TUMANI TABIIY SHAROITI VA RESURSLARIDAN
OQILONA FOYDALANISH MASALALARI 78
15. **Шомуродова Шахноза Ғайратовна**
ЧОРВОҚ ЗОНАСИДА ЖОЙЛАШГАН АҚСАРСОЙ ВА УРУНГАЧ КЎЛИ
ТАБИАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ 82
16. **Уразбаев Абдукарим Кендирбаевич**
ДЕЛЬТА ҲУДУДЛАРИНИНГ ТАБИИЙ-ХЎЖАЛИК ТИЗИМИ ВА ТАДҚИҚ
ҚИЛИШДА ҲАВЗАВИЙ КОНЦЕПЦИЯНИНГ ҚўЛЛанилиши 86
17. **Иброимов Шерзод Иброим ўғли**
ДЕЛЬТА ГЕОТИЗИМЛАРИНИНГ ДАРАХТСИМОН ЛАНДШАФТ
КОМПЛЕКСЛАРИ 90
18. **Jumaniyazova Sarvinoz Mansur qizi, Jumaniyazova Dildora Shavkatovna**
URUNGACH KO‘LI ATROFIDA TURIZMNI RIVOJLANTIRISH
ISTIQBOLLARI 94
19. **Mirzoyeva I.E**
TO‘DAKO‘L SUV OMBORI HUDUDINING TABIIY GEOGRAFIK
XUSUSIYATLARI 98
20. **Abduqodirova Yoqutxon Usmon qizi**
QORAQALPOQ, YOZYOVON CHO‘LLARINING GIRDOGRAFIK HOLATI 101
21. **Сабитова Наила Исмаиловна Белялова Левиза Сабриевна**
ВОЗДЕЙСТВИЕ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА НА ПРОЯВЛЕНИЕ
ОПОЛЗНЕВЫХ ПРОЦЕССОВ (на примере оползней верховьев р. Чирчик) 105